

Вобкент туман Давлат хизматлари
агентлиги томонидан
2024 йил “03” 12
2654627-сон реестр рақами билан

Жамият иштирокчиларининг
навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2024 йил “29” ноябр
- сон баённомаси



“BUXORO AGROKLASTER”

mas’uliyati cheklangan jamiyatining

Ustavi

(янги таҳрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

11. “BUXORO AGROKMASTER” mas’uliyati cheklangan jamiyati (бундан буён – Жамият) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Бухоропахтасаноат ХБ” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2019 йил 06 июлдаги ва 11 июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорларига мувофиқ ташкил этилган. Иштирокчиларнинг 2024 йил “29” июльдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарори билан янги тахрирдаги устав қайта давлат рўйхатидан ўтказилиши бўйича қарор қабул қилинган.

1.2. Жамиятнинг иштирокчилари қўйидагилар;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси;

- “Бухоро глобал мега текс” МЧЖ;

- “Карвон” ф/х;

- Нафетдинов Шавкатулло Шукурович;

- Саломова Мохира Холиқовна;

- Тўриев Азизбек Биходирович;

- Иноятлов Аҳмад Азизович;

- Нафетдинов Комилжон Шавкатуллоевич.

1.3. Жамият юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва ушбу Устав асосида олиб боради.

1.4. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.5. Жамият юридик шахс бўлиб, мустақил балансга, банк муассасаларида сўмда ва хорижий валютада ҳисоб рақамларига эга бўлади.

1.6. Жамият тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва Жамиятнинг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлади. Жамиятнинг муҳрида унинг фирма номи Жамиятнинг ихтиёрига биноан бошқа тилларда ҳам ифодаланиши мумкин.

1.7. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлади.

1.8. Жамият ўзининг мустақил балансда ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

II. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ФАОЛИЯТ МУДДАТИ

2.1. Жамиятнинг расмий номи:

- ўзбек тилида:

лотин ёзувида: тўлиқ номи - “BUXORO AGROKMASTER” mas’uliyati cheklangan jamiyati, қисқартирилган номи - “BUXORO AGROKMASTER” MCHJ.

кирилл ёзувида: тўлиқ номи - “BUXORO AGROKMASTER” масъулияти чекланган жамияти, қисқартирилган номи - “BUXORO AGROKMASTER” МЧЖ.

- рус тилида: тўлиқ номи - Общество с ограниченной ответственностью “BUXORO AGROKMASTER”, қисқартирилган номи - ООО “BUXORO AGROKMASTER”.

- инглиз тилида: тўлиқ номи - “BUXORO AGROKMASTER” Limited liability company, қисқартирилган номи - “BUXORO AGROKMASTER” LLC.

2.2. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилоят, Вобкент тумани, Беруний кўчаси 34-уй.

2.3. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, ўз мақсадларига эришиш учун амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда фаолиятини амалга оширади.

Жамият фаолиятининг асосий мақсадлари:

- соф фойда олиш;
- Жамият фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш;
- Жамият иштирокчилари манфаатларига зарар етказмаслик.

3.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари:

пахта хомашёси ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг илғор илмий ютуқлари, замонавий ва самарали усуллари жорий қилиш;

пахта хомашёсига бирламчи ишлов беришнинг самарали ва юқори рентабелли усуллари, шунингдек, чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш;

пахта чигити ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини давлат ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш;

пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнига илғор агротехник ҳамда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

тўғридан-тўғри, шу жумладан хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб қилиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

етиштириладиган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ҳамда миқдорини ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

илмий ва таълим муассасалари билан биргаликда селекция ҳамда уруғчилик соҳасида тадқиқотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва дурагайларини, шунингдек, пахта хомашёсини бирламчи қайта ишлаш технологияларини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш.

3.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақли.

3.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

3.5. Мазкур Уставда кўрсатилган ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун Жамият инвестицион ва Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ман этилмаган фаолиятларнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

3.6. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг розилигини олиб, бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси (иштирокчи) бўлишга ёки уларнинг устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

IV. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

4.1. Жамиятнинг устав фонди 58 096 294 207,05 (эллик саккиз миллиард тўқсон олти миллион икки юз тўқсон тўрт минг икки юз етти сўм беш тийин) сўмни ташкил қилган бўлиб, иштирокчилар улушлари қўйидагича тақсимланган.

- Ўзбекистон Республикаси Давлат
активларини бошқариш агентлиги

Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси

- “Бухоро глобал мега текс” МЧЖ

- “Карвон” ф/х

- Нафетдинов Шавкатулло Шукурович

- Саломова Мохира Холиқовна

- Тўраев Азизбек Баҳодирович

- Иноятов Ахмад Азизович

- Нафетдинов Комилжон Шавкатуллоевич

Жами:

- 99,318 фоиз ёки 57 699 981 641,33 сўм.

- 0,523 фоиз ёки 304 467 962,5 сўм.

- 0,105 фоиз ёки 60 971 163,96 сўм.

- 0,008 фоиз ёки 4 382 787,24 сўм.

- 0,004 фоиз ёки 2 094 429,29 сўм.

- 0,033 фоиз ёки 19 237 720,95 сўм.

- 0,007 фоиз ёки 3 878 572,77 сўм.

- 0,002 фоиз ёки 1 279 929,01 сўм.

- 100 фоиз ёки 58 096 294 207,05 сўм.

4.2. Жамият Устав фонди иштирокчилар томонидан далолатнома асосида берилган бино ва иншоотлар, технологик ускуналар ва бошқа асосий воситалар, мол-мулк, пул маблағлари

ҳамда номоддий активлар (мулкӣ ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган активлар) ҳисобидан шакллантирилади.

4.3. Иштирокчилар мазкур Устав давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 1 йил муддат ичида ўз улушини киритиши лозим.

4.4. Жамият иштирокчилари томонидан улушнинг тўлиқ киритилганлиги Жамият иштирокчиларига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади. Мазкур гувоҳнома қимматли қоғоз ҳисобланмайди.

4.5. Жамият мулки ташкил этилган устав фондидан, хўжалик фаолияти натижасида Жамиятнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари, олинган даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида йўл қўйилган бошқа асосларга кўра сотиб олинган ўзга мулк ҳисобига ташкил қилинади.

4.6. Жамият улуши иштирокчининг рухсатсиз учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобидан оширилиши мумкин эмас.

4.7. Жамият устав фондининг миқдори қонуңчиликда назарда тутилган тартибда Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

V. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КўПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ

5.1. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг Жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

Жамият устав фондининг кўпайтирилиши Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) Жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидир:

- қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

- қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;

- Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини ушбу қонунчилик ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда Жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

- Жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар қонунчиликда ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Жамиятдан чиқиш;

- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Жамият иштирокчилари қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

6.2. Жамият иштирокчилари:

- қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда улуш қўшиши;

- Устав талабларига риоя қилиши;

- Жамиятга нисбатан ўзига олган мажбуриятларни бажариши;

- Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслиги;

- Жамиятга ўз фаолиятини амалга оширишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Жамият иштирокчиларининг қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

6.3. Жамият иштирокчиларининг Жамият таркибидан чиқиши ва унинг оқибатлари “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқарилади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ МУЛКӢЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

7.2. Жамият иштирокчиларнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

7.3. Жамиятнинг иштирокчилари Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар.

7.4. Жамиятнинг ўз улушини тўла қўшмаган иштирокчилари Жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи улушининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ

8.1. Жамият ўз фаолияти натижасида топган ва фақат ўзи тўлиқ тасарруф қилиши мумкин бўлган соф фойда ҳисобидан Жамият устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида заҳира фонди ташкил этиш ҳуқуқига эга.

8.2. Жамиятнинг заҳира фонди белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йилги соф фойдадан Жамият иштирокчиларининг қарори билан белгиланган миқдорда, бироқ соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали амалга оширилади. Заҳира фонди тўлиқ шакллангандан сўнг соф фойда тақсимоли Жамият иштирокчиларининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

8.3. Жамиятнинг заҳира фонди кўрилган зарарни қоплаш ва Жамият томонидан Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун мўлжалланади.

8.4. Жамият соф активларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва бухгалтерия ҳужжатлари асосида аниқланади.

8.5. Агар иккинчи ва ҳар бир кийинги молия йили тугатанидан кейин Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам бўлиб қолса, Жамият ўзининг устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдоргача камайтирилишини эълон қилади ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказди.

IX. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ТўЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

9.2. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг Жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.3. Жамият қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- Жамиятнинг бутун устав фонди тўлиқ тўлангунга қадар;
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;
- агар бундай қарор қабул қилиш пайтида Жамият қонунчилиikka мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;
- агар шундай қарор қабул қилиш пайтида Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан ва заҳира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса.
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

9.4. Жамият иштирокчисига тақсимланадиган ва тўланадиган соф фойда-фойданинг солиқлар, мажбурий тўловлар тўланганидан кейин, қайта инвестиция амалга оширилганидан ҳамда Уставда белгиланган фондларга ажратмаларни амалга оширгандан сўнг Жамият ихтиёрида қоладиган қисми.

X. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

10.1. Жамиятни Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва Яккабошчилик (Бош директор) асосидаги ижро этувчи органи бошқаради.

Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши Жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

10.3. Жамиятнинг Яккабошчилик (Бош директор) асосидаги ижро этувчи органи Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

10.4. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

б) Жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;

в) Жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш ва Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

г) Жамият Яккабошчилик (Бош директор) асосидаги ижроия органини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ё) Жамиятнинг йиллик ҳисоботларни, йиллик бухгалтерия балансларини ва йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

ж) Жамиятнинг соф фойдасини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

з) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

и) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

й) бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

к) Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

м) Жамият улушини ўзи томонидан сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) Жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш ва ундан юқори фоизни ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки Жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

о) Жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштириши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;

п) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

р) Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) доирасини белгилаш, қилинган ҳомийлик (хайрия) ёки кўрсатилган (олинган) беғараз ёрдамларни кўриб чиқиш;

с) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

10.5. Қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига киритилган масалалар Жамиятнинг Яккабошчилик асосида ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш Жамиятнинг Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи – Бош Директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият Бош Директори Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши қарори билан сайланади ва лавозимидан озод этилади.

11.3. Бош Директор Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади.

11.4. Жамият ва Бош Директор ўртасидаги шартнома Жамият номидан Жамиятнинг Директори сайланган умумий йиғилишдаги раислик қилувчи шахс томонидан ёки Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан ваколат берилган Жамият иштирокчиси томонидан имзоланади. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Бош Директор ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан янгидан бош директор тайинланади ва у билан меҳнат шартномаси тузилади.

11.5. Бош Директор Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва давлат муассасаларида, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотларда Жамият ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

11.6. Бош Директор қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши қарорлари бажарилишини ташкил этади ҳамда уларга ҳисобот беради.

Жамият Бош Директори ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш ва битимлар тузиш;

б) Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар бериш;

в) Жамият ходимлари билан меҳнат шартномаларини (контрактлар) тузиш ва уларни бекор қилиш, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш;

д) Жамият мол-мулки ва пул маблағларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва Жамият ички ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилиш;

е) Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси лойиҳаси ишлаб чиқирилишини ташкил қилиш ва тасдиқланган бизнес-режани бажарилиши юзасидан Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишига даврий ҳисобот бериш;

ё) аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти танловини ва ички аудит хизматига ходим йўллаш учун ички аудитор танловини ўтказиш;

ж) Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очиш, Жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолаш;

з) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда Жамиятда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, тегишли идораларга статистика ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларда Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш;

и) ходимлар штатларини тасдиқлаш ва штатларни малакали кадрлар билан тўлиқлигини таъминлаш;

к) Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, кўрсатмаларни чиқариш, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи ички ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

л) Жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизгача ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки Жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

м) Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

н) қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ Директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.7. Директор қуйидагиларга ҳақли:

- ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш;

- Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Директор қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11.8. Директор Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қорорисиз банк ёки бошқа кредит ташкилотлари кредитидан фойдаланиши, кафолат ҳамда кафиллик расмийлаштириши мумкин эмас.

11.9. Директор қонун ҳужжатларида ва ушбу Устав билан Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

XII. ЖАМИЯТНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ

12.1. Молиявий ҳисоботлар тўғрилигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш учун Жамият таъсисчиларининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

XIII. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ САҚЛАШ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

13.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни доимий равишда сақлаши шарт:

- Жамиятнинг Устави, шунингдек Жамият ушбу Уставга киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Жамиятнинг ўз ҳисобида турган мол-мулкга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Жамият таъсисчилари қарорлари, директорнинг буйруқлари, хатлар, телеграммалар ва ёзма кўрсатмалари;
- аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига тегишли бошқа ҳужжатлар.

13.2. Ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда сақланади.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

14.1. Молиявий йил 1 январдан бошланади ва календарь йилининг 31 декабрида тугайди. Жамиятнинг биринчи молиявий йили, Жамият таъсис ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўша йилнинг 31 декабригача давом этади. Йил тугаганда Жамиятнинг баланси, фойдалар ва зарарлар ҳисоби тузилади. Директор молиявий йил тугагандан сўнг 2 ойдан кечиктирмай Жамият фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни Жамиятнинг таъсисчиларига тақдим этади.

14.2. Жамият белгиланган тартибда ўз фаолияти натижаларининг ҳисобга олиниши бажаради, бухгалтерия, статистик ҳисоботни олиб боради ва уни солиқ инспекцияси ва бошқа ваколатли давлат органларига тақдим этади.

14.3. Бухгалтерия ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини тузиш ва текшириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

15.1. Тижорат сири деганда услубий ахборот, бошқариш, режалаштириш, молия ва Жамиятнинг бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳақиқий ва потенциал тижорат қийматига эга бўлган, уларни ошкор этиш Жамият манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади.

15.2. Иштирокчилар ҳамда ижро этувчи орган учинчи шахсларга тижорат сири бўлган ахборотларни, улар бундай маълумотни билиши талаб этиладиган фаолиятга жалб қилинса, фақатгина зарур ва Жамият мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун керак бўладиган ҳажмда ошкор этиши мумкин.

XVI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Жамиятни тугатиш ёки қайта ташкил қилиш (қўшиш, қўшиб олиш, бўлиш, ажралиб чиқиш, қайта тузиш) таъсисчилар умумий йиғилиши ёки суд қарорига асосан амалга оширилади.

16.2. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунга асосан амалга оширилади.

XVII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

17.1. Мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу Устав ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Жамият таъсисчилари томонидан тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Мазкур Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда кучга киради.

17.2. Мазкур Устав Жамият белгиланган тартибда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганидан кейин кучга киради.

17.3. Агар ушбу Уставнинг баъзи қоидалари ўз кучини йўқотса, унинг бошқа қоидалари ўз кучини сақлаб қолади.

17.4. Мазкур Устав билан тартибга солинмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

ИШТИРОКЧИЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси номидан _____
- “Бухоро глобал мега текс” МЧЖ _____
- “Карвон” ф/х _____
- Нафетдинов Шавкатулло Шукурович _____
- Саломова Мохира Холиқовна _____
- Тўраев Азизбек Баходирович _____
- Иноятлов Ахмад Азизович қонуний вакили _____
- Нафетдинов Комилжон Шавкатуллоевич _____